XALQ DEPUTATLARI XORAZM VILOYATI KENGASHINING
Q A R O R I

2021 - yil 31 - dekabr VI-40-60-12-0-K/21 Xorazm viloyati hokimligi

Хоразм вилоятининг 2022 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 24-моддалари, Бюджет кодексининг 99-моддаси, “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 30 декабрдаги 01/20-01-32/846-сонли хатини инобатга олиб, халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгаши

Қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижро ва раҳбарлик учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида” 2021 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-742-сон Қонунига (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) мувофиқ, Хоразм вилояти маҳаллий бюджетининг 2022 йил учун даромадлари 2 220,6 млрд.сўм, харажатлари 3 067,2 млрд.сўм прогноз қилинганлиги ҳамда республика бюджетидан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар 846,6 млрд.сўм миқдорида тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. 2022 йил учун Хоразм вилоятини ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ҳамда 2023-2024 йилларга мақсадли мўлжаллари 1-иловага мувофиқ, 2022 йил учун вилоят маҳаллий

бюджети даромадлари прогнози 2-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

4. 2022 йил учун вилоятнинг вилоят бюджетидан ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. 2022 йил учун туманлар ва шаҳарлар бюджетларига умумдавлат солиқларидан ажратмалар нормативлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, ажратмалар нормативлари бўйича вилоят маҳаллий бюджети билан туман ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларининг тақсимотини ўрнатилган тартибда вилоят Хоразм вилояти бўйича Ғазначилик бошқармаси томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

6. 2022 йил учун шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларининг даромадлари ва харажатларининг прогнози 5-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

7. 2022 йил учун вилоят бюджетидан туман ва шаҳар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини туман ва шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадлари прогнози ижросидан қатъий назар камайтиришга йўл қўйилмаслиги Қонунда белгилаб қўйилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

8. 2022 йил учун вилоятнинг вилоят бюджети захира жамғармаси ҳажмлари 10,5 млрд. сўм миқдорида белгилансин.

Туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг 2022 йил учун захира жамғармалари тегишли бюджетлар тасдиқланган умумий харажатларининг камида 1,0 фоизи миқдорида шакллантирилсин.

Хоразм вилояти вилоят бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларини ижро этишда юқори турувчи бюджетдан уларга ажратиладиган бюджетлараро трансфертларнинг прогнозидан ошган қисми учун тегишли бюджетларининг захира жамғармалар миқдорларига аниқлаштириш киритилмайди.

9. 2022 йил учун вилоятнинг вилоят бюджети шахсий ғазна

ҳисобварақларида турган бюджет маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори 8 000,0 млн.сўмни ҳамда туманлар ва шаҳарлар бюджетлари шахсий ғазна ҳисобварақларида турган бюджет маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори 7-иловага мувофиқ белгилансин.

10. Юридик шахслар бўйича қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер майдонлари учун ҳудудлар кесимида мутлақ миқдорга 1 гектарга белгиланган базавий солиқ ставкаларига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар 8-иловага мувофиқ белгилансин.

11. Жисмоний шахслар бўйича (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан ташқари) ер майдонлари учун ҳудудлар кесимида мутлақ миқдорига 1 кв.м учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар 9-иловага мувофиқ белгилансин.

12. Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича 2022 йил учун белгиланган минимал миқдорлар 10-иловага мувофиқ белгилансин.

13. Ўзбекистон Республикасининг мазкур Қонуни билан 2022 йилда халқ депутатлари Кенгашларини маҳаллий бюджетларни бошқаришда, хусусан маҳаллий бюджет харажатларини ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар кесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидаги ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлари кенгайтирилганлиги инобатга олинсин.

Шунингдек, 2022 йилда қуйидаги солиқ турлари:

а) шаҳар ва туманлар бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;

юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;

айланмадан олинадиган солиқ;

давлат активларини фойдаланишга (ижарага) беришдан қонунчиликда белгиланган нормативлар бўйича олинган даромадлар.

Мобил алоқа хизматлари, тамаки ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғи бўйича тушумлар тегишинча 2021 йил 1 июль ҳолатига кўра туман ва шаҳар аҳолисининг вилоят аҳолисидаги улушига мувофиқ.

б) вилоятнинг вилоят маҳаллий бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

электр станциялари томонидан тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

қонунчиликда белгиланган миқдорлардаги давлат божлари (патент божларидан ва лицензиялар берганлик учун давлат божларидан ташқари);

қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган жарималар;

айрим турдаги товарларнинг чакана савдосига доир ҳуқуқ учун йиғимлар;

қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона органлари томонидан ундириладиган йиғимлардан, ғилдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун ундириладиган утилизация йиғимидан, шунингдек автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш учун тўловдан ташқари);

қонунчиликда белгиланган миқдорларда давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни реализация қилишдан тушган тушумлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг улуши бўйича дивидендлар (даромадлар) ва ажратмалар;

давлат активларини жойлаштиришдан ва сотишдан қонунчиликда

белгиланган нормативлар бўйича олинган даромадлар;

в) 4-иловага мувофиқ қуйидаги солиқ турлари вилоят бюджети ҳамда шаҳар ва туманлар бюджетлари ўртасида тақсимланади:

юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ;

бензинни, дизель ёқилғисини ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилишдаги акциз солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи.

14. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (К.Игамбергенов), Молия бош бошқармаси (М.Искандаров), Давлат солиқ бошқармаси (Х.Абдукаримов) туман (шаҳар) ҳокимликлари вамасъул бошқарма ва ташкилотлар билан биргаликда:

тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантириш;

маҳаллий бюджетипрогноз кўрсаткичларни ўз вақтида ва самарали бажариш;.

бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш;

бюджет интизомига риоя этилиши устидан назорат ва масъулиятни янада кучайтириш;

тегишли маҳаллий бюджетларга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ тушумини таъминлаш;

бюджет даромадлар базасини ошириш ва қўшимча резервларни аниқлаш зарурлигига алоҳида эътибор қаратсин.

15. Вилоят давлат солиқ бошқармаси (Х.Абдукаримов) Давлат солиқ инспекциялари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган ваколатларидан келиб чиқиб:

солиқларнинг тўлиқ ва тўғри ҳисобланишини ҳамда ушбу солиқларни ўз вақтида бюджетга ундирилиши устидан солиқ назоратини кучайтиришга;

ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ва мол-мулк солиқлари бўйича доимий таҳлиллар ўтказган ҳолда, солиқларни тўлиқ

ҳисобланишини таъминлаш ҳамда ушбу солиқ тўловлари бўйича солиқ қарздорлигига йўл қўймаслик чораларини кўришга;

айланмадан солиқ тури бўйича солиқ тўловчилар томонидан нақд пул айланмаларининг солиқ ҳисоботларида тўлиқ акс эттирилиши устидан доимий солиқ назоратини ўрнатиш ҳамда зарур ҳолларда хронометраж ва камерал солиқ назорати тадбирларини ўтказишга;

Бунда, мазкур йўналишда жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида фуқароларга харид чекини талаб қилиб олишни тарғиб этувчи ижтимоий роликлар ҳамда видео материаллар тайёрлаб, ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратсинлар.

хатлов ишларини самарали ташкил этиш орқали ер ва мол-мулк солиғининг солиқ базасини ошириш вазифаси юклатилсин.

16. Вилоят давлат солиқ бошқармаси (Х.Абдукаримов), Кадастр агентлиги вилоят бошқармаси (Р.Уразбаев) 2022 йилдан бошлаб юридик шахслар мол-мулк солиғини ҳисоблашда кўчмас мулкларга 1 кв.метр учун минимал миқдорлар жорий этилганлигидан келиб чиқиб, вилоятда мавжуд солиқ тўловчиларнинг мол-мулклари майдонларини чуқур таҳлил этган ҳолда ушбу мол-мулкларга нисбатан солиқларни тўлиқ ҳисобланишини таъминласин.

17. Вилоят давлат солиқ бошқармаси (Х.Абдукаримов), Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекцияси Хоразм минтақавий инспекцияси (Р.Жабборов) ҳамда туман ва шаҳарлар ҳокимликлари билан биргаликда:

норуда қурилиш материалларини қазиб олиш соҳасида ноқонуний фаолият олиб бораётган карьерларни аниқлаш бўйича хатловлар ўтказиш;

хатлов натижалари бўйича аниқланган ноқонуний фаолият олиб бораётган карьерлар фаолиятини қонунийлаштириш ҳамда уларни солиқ базасига қамраб олиш;

норуда қурилиш материалларини қазиб олиш соҳасида фаолият олиб бораётган карьерлар томонидан қазиб олинаётган норуда қурилиш материаллар ҳажмининг солиқ ҳисоботларида тўлиқ акс эттирилиши устидан доимий назорат ўрнатсин.

Бунда, ушбу соҳада фаолият олиб бораётган карьерларнинг қазиб олиш

ҳажмларини доимий таҳлил қилиб бориш ҳамда зарур ҳолларда қазиб олиш ҳажмларини аниқлашда маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан “маркшейдрлик” хизматларидан фойдаланиш лозимлиги алоҳида белгилаб қўйилсин.

18. Мажбурий ижро бюроси Хоразм вилоят бошқармаси (М.Бабатаев) вилоят давлат солиқ бошқармаси (Х.Абдукаримов) билан ҳамкорликда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича мавжуд солиқ қарздорликларини бюджетга ундириш юзасидан тегишли чоралар кўриб борсин ҳамда чораклар якуни билан солиқ қарздорликларининг чорак бошига нисбатан камайиб бориши бўйича барча комплекс чора-тадбирлар кўриш вазифаси юклатилсин.

19. Маҳалла ва оилани қўллаб-қуватлаш бошқармаси (Ж.Саъдуллаев), туман ва шаҳар ҳокимликлари жисмоний шахсларнинг ер ва мол-мулк солиқлари бўйича жорий ҳисобланган солиқларни ҳамда ушбу солиқлардан мавжуд солиқ қарздорликларини ундириш юзасидан солиқ органларига амалий ёрдам кўрсатсин.

20. Давлат активларини бошқариш агентлиги Хоразм вилоят ҳудудий бошқармаси (Д.Зарипов) Бўш турган объектларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш марказининг Хоразм вилоят ҳудудий бошқармаси (У.Қаландаров) билан биргаликда:

бўш турган давлат мулки объектларини аниқлаш бўйича хатлов ишларини самарали ташкил этиш;

хатлов натижаларига кўра вилоятда мавжуд бўш турган давлат мулки объектлари рўйхатини шакллантириш;

шакллантирилган рўйхатга асосан бўш турган давлат мулки объектларини ижарага бериш ёки сотиш бўйича тегишли таклифлар тайёрлаш;

бўш турган давлат мулки объектларини ижарага бериш ёки сотиш бўйича ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида роликлар ва видео-материаллар тайёрлаш;

хусусийлаштирилиши мўлжалланган бўш турган давлат мулки объектларини «e-ijro auksion» майончаси орқали сотиш ишларини ташкиллаштириш вазифаси юклатилсин.

21. Давлат активларини бошқариш агентлиги Хоразм вилоят ҳудудий бошқармаси (Д.Зарипов), вилоят давлат солиқ бошқармаси (Х.Абдукаримов), вилоят молия бош бошқармаси (М.Искандаров) давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар томонидан 2022 йилнинг 1 июлига қадар 2021 йил якунлари бўйича ўз соф фойдасининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдоридагиажратмалар ва давлат улуши бўйича дивидендларни 2022 йилнинг 1 сентябридан кечиктирмай тегишли даражадаги бюджетларга ўтказилишини таъминласин.

22. Монополияга қарши кўрашиш қўмитаси Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси (Д.Абдукаримов) туман ва шаҳарлар ҳокимликлари билан биргаликда ташқи реклама объектларини тўлиқ хатловдан ўтказган ҳолда, ушбу ташқи реклама объектлари бўйича шартномалар тузиш чораларини кўрсин ҳамда ушбу шартномалар бўйича йиғимларни бюджетга тўланиши устидан доимий назорат ўрнатсин.

23. Чап қирғоқ ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси (О.Тоиров) ва вилоят давлат солиқ бошқармаси (Х.Абдукаримов) туман ва шаҳар ҳокимлари билан биргаликда вилоятда суғоришга сарфланаётган сув ҳажмлари бўйича аниқ ҳисоб-китоблар юритган ҳолда мазкур истеъмол ҳажмлари бўйича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқларни тўлиқ ҳисобланишини ҳамда молия йили якунига қадар маҳаллий бюджетларга тўлиқ ундириб олиш вазифаси юклатилсин.

Бунда, қишоқ хўжалиги корхоналари томонидан истеъмол қилинаётган сув ресуслари ҳажмлари ва ушбу ҳажмлар бўйича ҳисобланаётган сув солиқлари бўйича доимий таҳлиллар ўтказишга алоҳида эътибор қаратилсин.

24. Вилоят ички ишлар бошқармаси (Д.Назармухамедов), Вилоят йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси (Ш.Байхуразов), Давлат хизматлари агентлиги вилоят бошқармаси (Н.Жуманиязов)ҳисобланган бож, жарима ва йиғимларни ўз вақтида ўрнатилган тартибда бюджетга ундириш чораларини кўриб борсин.

25. Давлат Молиявий назорати Хоразм вилоят бошқармаси халқ таълими, мактабгача таълим ва соғлиқни сақлаш бошқармаларининг Ички аудит хизматлари билан биргаликда:

бюджет интизомига қатъий риоя этилиши устидан доимий мониторинг

ишлари кучайтирсин;

бюджет интизомини бузиш ҳолатлари бўйича ҳар ой якуни билан Кенгашга ахборот киритиб борсин;

ўтказилган назорат тадбирлари якуни бўйича камомад ва ноқонуний ўзлаштиришга йўл қўйган соҳа раҳбарларининг ҳисоботи хар чоракда эшитиб борилсин.

26. Кенгашнинг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси:

маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги ҳокимлик томонидан тақдим этилган таклифлари асосида бюджет қонунчилигига тўлиқ риоя этилган ҳолда Кенгаш қарор лойиҳасини ишлаб чиқилишига;

Кенгаш қарори асосида маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ажратилган маблағларни самарали ва мақсадли фойдаланиши устидан назорат ўрнатишга ва натижалари бўйича тавсиялар беришга мониторинг қилишга;

Маҳаллий бюджет харажатларининг қонунчиликда белгиланган қисмининг жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилишида иштирок этади ва ушбу маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан назоратни амалга оширишга масъул этиб белгилансин.

27. Вилоят, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари:

Туман ва шаҳар бюджетлари жами харажатларининг 5 фоизи ҳамда шаклланган қўшимча маблағларининг камида 30 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштириш учун “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”га йўналтирсин.

Бунда, вилоят, туман ва шаҳар халқ депутатлари, Ёшлар ишлар агентлиги, туман (шаҳар) ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашлари ҳамда янги жорий этилган ҳоким ёрдамчилари бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида аҳолига кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга масъул этиб белгилансин;

маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан харид қилинган товарлар ва хизматлар, қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган объектлар рўйхати, шунингдек қурилиш-таъмирлаш ишларининг молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотлар ҳар чорак якунларига кўра, кейинги чорак биринчи ойининг 10 санасига қадар мажбурий тартибда тегишли ҳокимлик расмий веб-сайтларига жойлаштириб борилсин.

28. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (К.Игамбергенов), халқ депутатлари вилояти Кенгаши котибияти, туман ва шаҳар ҳокимликлари, тегишли бошқарма бошлиқлари:

маҳаллий бюджет даромад ва харажатларининг прогноз кўрсаткичлари бажарилиши ҳамда солиқ базасини кенгайтириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар;

ажратилган бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши юзасидан эришилган натижалар бўйича Кенгашга бир чоракда камида бир маротаба ҳисобот киритиб борсин.

29. Вилоят ҳокимлиги Қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

30. Мазкур қарор “Хоразм ҳақиқати” ва “Хорезмская правда” газеталарида расмий эълон қилинсин ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

31. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

32. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси ва вилоят ҳокимлиги зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси **Ф.Эрманов**

Халқ депутатлари Хоразм вилоят
Кенгашининг
2021 йил 31 декабрдаги
VI-40-60-12-0-K/21-сон қарорига
1-илова

Хоразм вилоятининг 2022 йилга ривожлантиришнинг макроиқтисодий прогноз кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	2022 йил учун прогноз
1.	Ялпи ҳудудий маҳсулот, *млрд.сўм*	29 161
2.	Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръати, *фоизда*	107,0
3.	Истъемол нархлари индекси, декабрда аввалги йил декабрь ойига нисбатан, *фоизда*	114,7
4.	Саноат маҳсулотларининг ўсиш суръати, *фоизда*	107,5
5.	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларида ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, *фоизда*	102,6
6.	Чакана товар айланмасининг ўсиш суръати, *фоизда*	110,2

Халқ депутатлари Хоразм вилоят
Кенгашининг
2021 йил 31 декабрдаги
VI-40-60-12-0-K/21-сон қарорига
2-илова

Хоразм вилоятининг вилоят маҳаллий бюджети даромадларининг
2022 йилдаги асосий прогноз кўрсаткичлари

минг сўмда

Т/Р	Даромад турлари	Жами
	ЖАМИ	**1 137 729 400,0**
1	Фойда солиғи	244 974 000,0
2	Айланмадан олинадиган солиқ	
3	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи *(жисмоний шахслар мол-мулкини ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан ташқари)*	527 107 400,0
4	Акциз солиғи, жами	67 593 000,0
	шу жумладан:	
	- бензинни, дизель ёқилғисини ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилишдаги акциз солиғи	*67 593 000,0*
5	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	34 714 000,0
6	Жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи	
7	Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи	
8	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	
9	Қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	
10	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	
11	Қонунчиликда белгиланган миқдорлардаги давлат божлари (*патент божларидан ва лицензиялар берганлик учун давлат божларидан ташқари*)	97 831 000,0
12	Қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган жарималар	51 916 000,0
13	Давлат активларини жойлаштиришдан ва сотишдан қонунчиликда белгиланган нормативлар бўйича олинган даромадлар	25 000 000,0
14	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига тегишли равишда ажратмалар ва давлат улуши бўйича дивидендлар	15 568 000,0
15	Қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (*божхона органлари томонидан ундириладиган йиғимлар ва ғилдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун ундириладиган утилизация йиғимидан ташқари*)	68 027 000,0
17	Бошқа тушумлар	4 999 000,0

Халқ депутатлари Хоразм вилоят
Кенгашининг
2021 йил 31 декабрдаги
VI-40-60-12-0-K/21-сон қарорига
3-илова

2022 йил учун вилоят бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари

минг сўмда

№	Кўрсаткичлар	миқдори
Харажатлар миқдори, Жами		**1 905 565 838,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**794 556 693,0**
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	**264 428 921,0**
	Туман ва шахар маҳаллий бюджетларига трансфертлар	**846 580 224,0**
	иш ҳақи, пенсия, стипендия, нафақалар миқдорларини ва айрим хизмат турлари бўйича тарифларни ошиши билан боғлиқ харажатлар	**0,0**
1	**Мактабгача таълим бошқармаси**	**47 465 863,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	3 328 085,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	44 137 778,0
2	**Халқ таълими бошқармаси**	**239 687 226,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	134 669 499,0
	шундан бошланғич синф ўқувчилари учун тушлик бериш харажатлари	*100 000 000,0*
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	105 017 727,0
3	**Соғлиқни сақлаш бошқармаси**	**311 548 715,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	270 648 715,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	40 900 000,0
4	**Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бошкармаси**	**22 744 774,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	22 744 774,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
5	**Маданият бошқармаси**	**37 283 834,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	37 283 834,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
6	**Туризм ва спорт бош бошқармаси**	**50 163 147,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	50 163 147,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
7	**Давлат архиви бошқармаси**	**2 125 436,0**

	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 125 436,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
8	**Кўникма марказлари**	**1 148 426,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 148 426,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
9	**Ўсимликлар карантини ҳудудий инспекцияси**	**9 703 829,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	9 703 829,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
10	**«Кўп хонадонли уйларни, иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси» давлат унитар корхонасининг вилоят ҳудудий филиали**	**4 486 000,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	4 486 000,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
11	**Махсус фойдаланиш-монтаж давлат корхонаси**	**3 815 206,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	3 815 206,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
12	**"Чолиш" сув йўли техник участкаси**	**1 394 798,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 394 798,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
13	**Чап қирғоқ ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси**	**105 300 486,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	105 300 486,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
14	**"Хоразм иссиқлик манбаи" ДУК субсидиялар учун**	**20 145 985,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 727 885,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	17 418 100,0
15	**Ўрмон-ов хўжалиги**	**3 731 921,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	3 731 921,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
16	**Экология ва атроф муҳитни ҳимоя қилиш бошқармаси**	**7 923 263,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	7 923 263,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0

17	**Пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш қўмитаси вилоят бошқармаси**	**143 273,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	143 273,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
18	**Уй-жой коммунал бошқармаси**	**57 432 090,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 845 887,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	54 586 203,0
19	**Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси**	**6 071 918,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	6 071 918,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
20	**Вилоят ҳокимлиги**	**27 336 900,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	27 336 900,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
21	**Молия бош бошқармаси**	**852 312 585,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	5 732 361,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
	Туман ва шахар маҳаллий бюджетларига трансфертлар	846 580 224,0
	иш ҳақи, пенсия, стипендия, нафақалар миқдорларини ва айрим хизмат турлари бўйича тарифларни ошиши билан боғлиқ харажатлар	
22	**Ғазначилик бошқармаси**	**6 332 178,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	6 332 178,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
23	**Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошкармаси**	**11 803 780,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	11 803 780,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
24	**Халқ депутатлари вилоят Кенгаши котибияти**	**440 814,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	440 814,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
25	**Маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш бошқармаси**	**1 763 078,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 763 078,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
26	**Адлия бошқармаси**	**5 112 792,0**

	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	5 112 792,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
27	**Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳудудий бошқармаси**	**1 545 391,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 545 391,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
28	**Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси**	**8 841 796,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	8 841 796,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
29	**Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси вилоят бошкармаси**	**6 114 255,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	6 114 255,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
30	**Қишлоқ хўжалиги бошқармаси**	**2 392 212,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 392 212,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
31	**Қурилиш бош бошқармаси**	**2 101 943,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 101 943,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
32	**Транспорт бошқармаси**	**7 201 329,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	7 201 329,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
33	**Кадастр агентлиги вилоят бошқармаси**	**1 803 747,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 803 747,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
34	**Монополияга карши курашиш қўмитаси вилоят бошкармаси**	**1 327 018,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 327 018,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
35	**Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси**	**5 417 555,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	5 417 555,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0

36	**Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармаси**	**960 048,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	960 048,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
37	**Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳудудий бошқармаси**	**9 964 208,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	9 964 208,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
38	**Бандлик ва меҳнат муносабатлари бош бошқармаси**	**1 794 050,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 794 050,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
39	**Нодавлат нотижорат ташкилотлари**	**1 234 872,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 234 872,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
40	**Бошқа харажатлар**	**17 449 097,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	15 079 984,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	2 369 113,0

Халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашининг
2021 йил 31 декабрдаги
VI-40-60-12-0-K/21-сон қарорига
4-илова

Умумдавлат солиқларидан шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларига ажратмалар меъёри

Фоиз ҳисобида

Т/Р	Шахар ва туманлар номи	Айланмадан олинадиган солиқ	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Бензинни, дизель ёқилғисини ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилишдаги акциз солиғи	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	Жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи	Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	Қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, *бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно*	Давлат активларини фойдаланишга (ижарага) беришдан қонунчиликда белгиланган нормативлар бўйича олинган даромадлар
1	Урганч шаҳри	100		100			100	100	100	100	100	100
2	Боғот тумани	100	50	100	100	100	100	100	100	100	100	100
3	Гурлан тумани	100	50	100	100	100	100	100	100	100	100	100
4	Қўшкўпир тумани	100	50	100	100	100	100	100	100	100	100	100
5	Урганч тумани	100	20	100		100	100	100	100	100	100	100
6	Хазорасп тумани	100	50	100	100	100	100	100	100	100	100	100
7	Хонқа тумани	100	50	100	100	100	100	100	100	100	100	100
8	Шовот тумани	100	50	100	100	100	100	100	100	100	100	100
9	Янгиариқ тумани	100	50	100	100	100	100	100	100	100	100	100
10	Янгибозор тумани	100	50	100	100	100	100	100	100	100	100	100
11	Хива тумани	100	50	100	100	100	100	100	100	100	100	100
12	Хива шаҳри	100	50	100	100	100	100	100	100	100	100	100
13	Тупроққалъа тумани	100	50	100	100	100	100	100	100	100	100	100

Халқ депутатлари Хоразм вилоят
Кенгашининг
2021 йил 31 декабрдаги
VI-40-60-12-0-K/21-сон қарорига
5-илова

Маҳаллий бюджетларнинг 2022 йил даромадлари ва харажатлариинг чегаравий ҳажми

минг сўмда

Ҳудуд номи	Даромад	Харажат
ЖАМИ	**2 220 635 000,0**	**3 067 215 225,0**
Вилоят бюджети	1 137 729 400,0	1 058 985 614,0
Урганч шаҳри	98 316 415,0	169 877 188,0
Боғот тумани	90 262 862,0	195 410 656,0
Гурлан тумани	93 686 769,0	157 445 419,0
Қўшкўпир тумани	91 071 654,0	192 725 559,0
Урганч тумани	99 920 250,0	169 041 871,0
Хазорасп тумани	100 071 857,0	173 235 018,0
Хонқа тумани	103 981 566,0	188 659 665,0
Шовот тумани	92 660 959,0	199 603 959,0
Янгиариқ тумани	65 293 639,0	138 673 204,0
Янгибозор тумани	52 708 412,0	94 975 587,0
Хива тумани	77 187 964,0	165 540 931,0
Хива шаҳри	56 706 984,0	86 288 572,0
Тупроққалъа тумани	61 036 269,0	76 751 982,0

Халқ депутатлари Хоразм вилоят
Кенгашининг
2021 йил 31 декабрдаги
VI-40-60-12-0-K/21-сон қарорига
6-илова

Шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларининг 2022 йилги юқори бюджетдан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари

минг сўмда

Т/р	Шаҳар ва туманлар	Тартибга солувчи трансферт миқдори
ЖАМИ		**846 580 225,0**
	шундан	
1	Вилоят бюджети	-78 743 786,0
2	Урганч шаҳри	71 560 773,0
3	Боғот тумани	105 147 794,0
4	Гурлан тумани	63 758 650,0
5	Қўшкўпир тумани	101 653 905,0
6	Урганч тумани	69 121 621,0
7	Хазорасп тумани	73 163 161,0
8	Хонқа тумани	84 678 099,0
9	Шовот тумани	106 943 000,0
10	Янгиариқ тумани	73 379 565,0
11	Янгибозор тумани	42 267 175,0
12	Хива тумани	88 352 967,0
13	Хива шаҳри	29 581 588,0
14	Тупроққалъа тумани	15 715 713,0

Халқ депутатлари Хоразм вилоят
Кенгашининг
2021 йил 31 декабрдаги
VI-40-60-12-0-K/21-сон қарорига
7-илова

Вилоят, шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларида йўл қўйиладиган энг кам маблағлар миқдори

минг сўмда

Т/р	Шаҳар ва туманлар	Миқдор
ЖАМИ		**17 747 000,0**
	шундан	
1	Вилоят бюджети	8 001 000,0
2	Урганч шаҳри	860 000,0
3	Боғот тумани	792 000,0
4	Гурлан тумани	803 000,0
5	Қўшкўпир тумани	832 000,0
6	Урганч тумани	896 000,0
7	Хазорасп тумани	856 000,0
8	Хонқа тумани	758 000,0
9	Шовот тумани	838 000,0
10	Янгиариқ тумани	697 000,0
11	Янгибозор тумани	535 000,0
12	Хива тумани	889 000,0
13	Хива шаҳри	552 000,0
14	Тупроққалъа тумани	438 000,0

Халқ депутатлари Хоразм вилоят
Кенгашининг
2021 йил 31 декабрдаги
VI-40-60-12-0-K/21-сон қарорига
8-илова

Юридик шахслар бўйича қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер майдонлари учун ҳудудлар кесимида мутлақ миқдорга 1 гектарга белгиланган базавий солиқ ставкаларига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар

Т/р	Ҳудуд номи	Коэффициент (0,5 дан 2,0 гача)	Ер солиғи ставкаси 2022 йил учун 1 (бир) гектар учун сўмда
1	Урганч шаҳри	1,15	33 350 000
2	Хива шаҳри	1,1	31 900 000
3	Урганч тумани	1,08	31 320 000
4	Хива тумани	1,07	31 030 000
5	Ҳазорасп тумани	1,07	31 030 000
6	Гурлан тумани	1,07	31 030 000
7	Шовот тумани	1,07	31 030 000
8	Янгиариқ тумани	1,07	31 030 000
9	Қўшкўпир тумани	1,07	31 030 000
10	Боғот тумани	1,07	31 030 000
11	Хонқа тумани	1,08	31 320 000
12	Янгибозор тумани	1,07	31 030 000
13	Тупроққалъа тумани	1,07	31 030 000

Халқ депутатлари Хоразм вилоят
Кенгашининг
2021 йил 31 декабрдаги
VI-40-60-12-0-K/21-сон қарорига
9-илова

Жисмоний шахслар бўйича (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан ташқари) ер майдонлари учун ҳудудлар кесимида **мутлақ миқдорига 1 кв.м учун** белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар

Т/р	Ҳудуд номи	Коэффициент (0,5 дан 2,0 гача)	Ер солиғи ставкаси 2022 йил учун 1 (бир) кв.м учун сўмда
1	Урганч шаҳри	1,15	299
2	Хива шаҳри	1,10	286
3	Урганч тумани	1,08	281
4	Хива тумани	1,07	278
5	Ҳазорасп тумани	1,07	278
6	Гурлан тумани	1,07	278
7	Шовот тумани	1,07	278
8	Янгиариқ тумани	1,07	278
9	Қўшкўпир тумани	1,07	278
10	Боғот тумани	1,07	278
11	Хонқа тумани	1,08	281
12	Янгибозор тумани	1,07	278
13	Тупроққалъа тумани	1,07	278

Халқ депутатлари Хоразм вилоят
Кенгашининг
2021 йил 31 декабрдаги
VI-40-60-12-0-K/21-сон қарорига
10-илова

Хоразм вилояти юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича 2022 йил учун белгиланган минимал МИҚДОРЛАР

Т/Р	Шаҳар, туманлар номи	Юридик шахсларнинг бино ва ншоотларининг 1 кв.метр учун мутлоқ миқдор, сўмда	Коэффициент *(0,5 гача камайтирувчи коэффицент)*	Юридик шахсларнинг бино ва иншоотларининг 1 кв.метр учун солиқ базаси, сўмда
1	Урганч туман	1 000 000	1,0	1 000 000
2	Хива туман	1 000 000	1,0	1 000 000
3	Хазорасп туман	1 000 000	1,0	1 000 000
4	Гурлан туман	1 000 000	1,0	1 000 000
5	Шовот туман	1 000 000	1,0	1 000 000
6	Янгиариқ туман	1 000 000	1,0	1 000 000
7	Қўшкўпир туман	1 000 000	1,0	1 000 000
8	Боғот туман	1 000 000	1,0	1 000 000
9	Хонқа туман	1 000 000	1,0	1 000 000
10	Янгибозор туман	1 000 000	1,0	1 000 000
11	Тупроққалъа туман	1 000 000	1,0	1 000 000